

Чирчиқ давлат педагогика университети (кейинги ўринларда “Ижрочи”) номидан муассасанинг амалдаги Уставига асосланиб иш юритувчи ректори Г.И.Мухамедов ҳамда иккинчи томондан “Book trade 2022” МЧЖ (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) номидан директор Д.М.Рахматуллаев ўртасида қуйидаги шартнома тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади, Ижрочининг Гуманитар фанлар факультети “Факультетлараро ижтимоий фанлар” кафедраси шартномада назарда тутилган босмахона ҳужжатларини муҳаррирлик хизматини ўз зиммасига олади.

1.2. Муҳаррирлик хизмати Чирчиқ давлат педагогика университетида амалга оширилади.

2. Иш ҳажми, нархи ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. *Ижрочи* буюртмага асосан ҳужжатларнинг муҳаррирлик хизматини бажариб беради.

2.2. Ҳар бир ҳужжатнинг нархи 1-иловага мувофиқ белгиланади.

2.3. Ушбу шартноманинг умумий қиймати йиллик бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади.

2.4. *Буюртмачи* ҳар бир берилган суммасининг 30 фоизини олдиндан тўлаб, иш топширилгандан сўнг 10 кун муддатда шартнома суммасининг қолган 70 фоизини ҳисоб-китоб ва бажарилган ишлар далолатномасига асосан *ижрочининг* ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3. Ижрочининг мажбурияти

3.1. Иш жараёни, маҳсулот сифатига ва ташкил қилинишига масъул ҳисобланади.

4. Буюртмачининг мажбурияти

4.1. Ижрочи билан тузилган шартнома суммасининг 30 фоизини ўз вақтида ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

4.2. Шартнома бўйича белгиланган тегишли маблағни олий ўқув юртига ўз вақтида ўтказди, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун уун 0.4% пеня тўлайди.

5. Буюртмачининг мажбурияти

5.1. *Буюртмачи ва ижрочи* ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаса ёки лозим бўлган даражада бажармаса, амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

5.2. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўртасидаги ҳосил бўлган келишмовчиликлар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

6.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар бир қўшимча ва ўзгартириш ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

6.2. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади.

6.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақида 10 кун олдин ёзма хабарнома юборади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини ва бошқа шу каби ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари) агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

9. Бошқа шартлар

9.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий ғазначилик бошқармаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради.

9.2. Ушбу шартнома ҳар икки томон учун биттадан 2 нусхада тузилди. Ҳар икки нусха бир хил кучга эга.

10. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб, 2025 йил 31 декабргача амал қилади.

Томонларнинг реквизитлари:

“ИЖРОЧИ”

Чирчиқ давлат педагогика университети

х/р: 4001 1086 0274 1970 9410 0079 001

СТИР: 207 258 862 ИФУТ 85420

Чирчиқ шаҳар Ғазначилик бўлинмаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014, СТИР 201 122 919

Марказий банк Тошкент шаҳар ББХКМ

Манзил: Чирчиқ шаҳри А.С.Темур кўчаси 104-уй

Тел.: (+99870) 716 68 02

Ректор _____ Мухамедов Г.И.

(имзо, муҳр)



“БУЮРТМАЧИ”

«Book trade 2022» МЧЖ

х/р: 20208000405479953001

АО Hayotbank

МФО 01198, СТИР: 309201716,

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри

Тел: (+99890) 115-01-72

_____ Рахматуллаев Д.М.
Ш.М. _____

27 сентябрь 2025 йил

№ 18-сонли хўжалик
шартномасига 1-илова

Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети
“Факультетлараро ижтимоий фанлар” кафедраси томонидан бажариб бериладиган босмахона
маҳсулотлар харажатлари

№	Босмахона маҳсулоти номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи
1.	Катта ҳажмдаги китобларнинг бир босма тобоғи	б/т	1	25 000
2.	Кичик ҳажмдаги китобларнинг бир босма тобоғи	б/т	1	30 000

“ИЖРОЧИ”

Чирчиқ давлат педагогика университети

Ректори _____ Г.И.Мухамедов



“БУЮРТМАЧИ”

«Book trade 2022» МЧЖ

Директори _____ Раҳматуллаев Д.М.

(имзо, муҳр)

